“APPROVED”

By the decision of the Supervisory Board Meeting No. 3 of the JSC "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" on date July 29. 2022

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals» акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг « 29 » июль 2022 йилдаги 3-сонли мажлиси қарори билан

REGULATION ON THE INTERNAL AUDITOR SERVICE OF THE JOINT-STOCK COMPANY “INDORAMA KOKAND FERTILIZERS AND CHEMICALS”

“INDORAMA KOKAND FERTILIZERS AND CHEMICALS” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Kokand 2022

Қўқон 2022 й

I. General Provisions

1. This Regulation was developed in accordance with the decision of the President of the Republic of Uzbekistan " On measures to further develop the market of precious securities " dated September 27, 2006 PQ-475 and the Charter of the Company .

2. This Regulation defines the uniform requirements for the organization of internal audit in joint-stock companies whose assets value is more than one hundred thousand times the basic accounting amount , as well as the methodological basis for organizing its work .

3. The regulation uses the following concepts:

Company - "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" **JSC**
The supervisory board is the governing body of "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" JSC.
Management - General Director of the Company
internal audit - control and evaluation of their work by checking and monitoring the compliance of the executive body and structural units of the Republic of Uzbekistan with the legal documents, founding documents and internal documents , accounting of information activities of the structural division of the company (internal audit service) on ensuring the completeness and reliability of accounting and financial reporting , the established rules and procedures for the implementation of economic operations, the preservation of assets and the introduction of corporate management principles;

internal audit service - a structural division of the company, which is established by the decision of the Supervisory Board and carries out the internal audit of the company.

II. Internal audit service main duties and functions

4 . The following are the main tasks of the internal audit service:
4.1. Providing the Supervisory Board with reliable information and preparing proposals for improving the company 's activities based on the results of the internal audit;
4.2. Prompt submission of recommendations to the management bodies of the society regarding the elimination of deficiencies identified during the internal audit process, control of their elimination;

4.3. Ensuring the rights and legal interests of all shareholders, including minority shareholders.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сон **қарорига** ҳамда Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.
2. Мазкур Низом активларининг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг бараваридан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларида ички аудитни ташкил этишга қўйиладиган ягона талабларни ҳамда унинг ишини ташкил этишнинг методологик асосларини белгилайди.
3. Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:
Жамият – "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" АЖ
Кузатув кенгаши - "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" АЖ нинг бошқарув органи.
Бошқарув – Жамиятнинг бош директори
ички аудит – жамият бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишининг тўлиқлилиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва таомиллари, активларнинг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий этилиши бўйича жамият таркибий бўлинмасининг (ички аудит хизмати) фаолияти;
ички аудит хизмати - Жамиятнинг Кузатув кенгашининг қарори билан ташкил этиладиган ва жамиятнинг ички аудитни амалга оширадиган таркибий бўлинмаси.

II. Ички аудит хизматининг асосий вазифалари ва функциялари

4. Қуйидагилар ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:
4.1. Кузатув кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;
4.2. Ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан жамият бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш;
4.3. Барча акциядорларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини таъминлаш, шу жумладан миноритар акциядорларни.

5. The following are the main functions of the internal audit service

5.1. conducting inspections in accordance with the directions specified in paragraph 19 of this Regulation (every quarter and at the end of the reporting year) according to the plan approved by the supervisory board of the company every year;

5.2. carrying out an examination on the legality of the economic contracts to be concluded;

5.3. providing methodical assistance to structural units of the society in keeping accounting records and drawing up financial reports, giving them advice on issues of finance, tax, banking laws and other legal documents;

5.4. to assist the supervisory board of the society in the development of technical assignments , evaluation of the proposals of audit organizations, and preparation of recommendations for the selection of an audit organization to conduct audit inspections ;

5.5. To study together with the executive body of the society the information about the agreement to be concluded with the affiliated person of the society, which is indicated in the written notice of the party to the agreement, which is expected to be concluded .

3. Duties and obligations of the internal audit service

6. The internal audit service has the following rights:

6.1. documents of the company on issues that arise during the implementation of the internal audit, receiving oral and written explanations from the officials and responsible persons of the society ;

6.2. involving relevant specialists of the society to assist in the conduct of internal audit.

7. The internal audit service is obliged to:

7.1. complying with the requirements of this Regulation and other legal documents in the implementation of internal audit;

7.2. making up reports in accordance with the requirements specified in clauses 17-19 of this Regulation;

7.3. checking the reliability of financial and statistical report indicators;

7.4. observe the confidentiality of the information obtained during the implementation of the internal audit;

7.5. in the case of detection of circumstances indicating damage to the company by its officials and other employees, to notify the supervisory board of the company and make a corresponding entry in the audit report;

5. Қуйидагилар ички аудит хизматининг асосий функциялари ҳисобланади:

5.1. ҳар йили жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ мазкур Низомнинг **19-бандида** кўрсатилган йўналишлар бўйича текширишлар ўтказиш (ҳар чоракда ва ҳисобот йили якунлари бўйича);

5.2. тузиладиган хўжалик шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш;

5.3. бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисоботни тузишда жамиятнинг таркибий бўлинмаларига методик ёрдам бериш, уларга молия, солиқ, банк қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

5.4. техник топшириқларни ишлаб чиқишда, аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ҳамда аудиторлик текширишларини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлашда тавсияларни тайёрлашда жамиятнинг кузатув кенгашига кўмаклашиш;

5.5. Жамиятнинг аффилланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборотни жамиятнинг ижроия органи билан бирга ўрганиш ва тавсия бериш.

3. Ички аудит хизматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6. Ички аудит хизмати қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

6.1. ички аудитни амалга ошириш давомида пайдо бўладиган масалалар бўйича жамиятнинг ҳужжатларини, жамият мансабдор ва масъул шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш;

6.2. ички аудитни ўтказишга кўмаклашиш учун жамиятнинг тегишли мутахассисларини жалб этиш.

7. Ички аудит хизмати қуйидагиларга мажбур:

7.1. ички аудитни амалга оширишда мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

7.2. мазкур Низомнинг **17-19-бандларида** белгиланган талабларга мувофиқ ҳисоботлар тузиш;

7.3. молия ва статистика ҳисоботи кўрсаткичларининг ишончлилигини текшириш;

7.4. ички аудитни амалга оширишда олинган ахборотнинг маҳфийлигига риоя қилиш;

7.5. жамиятга унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан зарар етказилганидан далолат берувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда бу ҳақда жамиятнинг кузатув кенгашига хабар бериш ва аудиторлик ҳисоботида тегишли ёзувни қайд этиш;

7.6. participation in the transfer of assets and control of its implementation in accordance with the law.

7.7. The internal audit service may also have other obligations according to the legal documents and the founding documents of the company .

IV. Requirements for internal audit service

8 . Employees of the internal audit service must have at least two years of work experience in the field of accounting, auditing, finance or tax control (including on-the-job training) in the last ten years.

9. Employees of the internal audit service must have a qualification certificate of an internal auditor.

10 . The number of employees of the internal audit service is determined to be sufficient to effectively achieve the goals of the internal audit and to solve its tasks, and it consists of no less than two auditors.

11 . The internal audit service is headed by its head, who has a certificate of internal auditor.

12. Every year, the head of the internal audit service prepares the work plan and the annual budget of the internal audit service and submits it to the supervisory board of the company for approval.

13 . The professional level of internal audit service employees should be maintained through regular training in educational institutions with appropriate licenses.

14. Employees of the internal audit service must be annually certified by the Supervisory Board of the Company.

V. Independence of the internal audit service

15. The internal audit service performs its activities based on the principles of independence, impartiality, legality, competence and ensuring information security.

16. The internal audit service and its employees are independent in their activities.

17. The internal audit service is independent from the company's executive body and other structural departments and is directly accountable to the Supervisory Board.

18. The appointment and dismissal of the head of the internal audit service and his employees, as well as the determination of their salary and other payments , are carried out according to the decisions of the Supervisory Board of the Society .

7.6. активларни хатловдан ўтказишда ва қонунда белгиланган тартибда унинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилишда иштирок этиш.

7.7. Ички аудит хизмати қонун ҳужжатларига ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV. Ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар

8. Ички аудит хизмати ходимлари охирги ўн йилнинг камида икки йилида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида амалий (шу жумладан ўриндошлик бўйича) иш стажига эга бўлиши керак.

9. Ички аудит хизмати ходимлари ички аудиторнинг малака сертификатига эга бўлиш шарт.

10. Ички аудит хизмати ходимларининг сони ички аудит мақсадларига самарали эришиш ва вазифаларини ҳал этиш учун етарли бўлиши ҳамда икки нафардан кам бўлмаган аудитордан иборат этиб белгиланади.

11. Ички аудит хизматига ички аудитор сертификатига эга бўлган унинг раҳбари бошчилик қилади.

12. Ҳар йили ички аудит хизмати раҳбари ички аудит хизмати иш режасини ва харажатларининг йиллик сметасини тузади ва уни тасдиқлаш учун жамиятнинг кузатув кенгашига тақдим этади.

13. Ички аудит хизмати ходимларининг касб даражаси тегишли лицензияга эга бўлган таълим муассасаларида мунтазамлилик асосида уларнинг малакасини ошириш воситасида сақланиши керак.

14. Ички аудит хизмати ходимлари Жамият кузатув кенгаши томонидан ҳар йили аттестациядан ўтказилиши керак.

V. Ички аудит хизматининг мустақиллиги

15. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини мустақиллик, ҳолислик, қонунийлик, малакалилик ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари асосида амалга оширади.

16. Ички аудит хизмати ва унинг ходимлари ўз фаолиятини амалга оширишда мустақил ҳисобланади.

17. Ички аудит хизмати жамиятнинг ижро органи ва бошқа таркибий бўлимлардан мустақил ҳисобланади ва бевосита Кузатув кенгашига ҳисобдор ҳисобланади.

18. Ички аудит хизмати раҳбарини ва унинг ходимларини лавозимга тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш, уларга иш ҳақи миқдорини ва бошқа тўловларни белгилаш Жамият кузатув кенгашининг қарорлари бўйича амалга оширилади.

18.1. The amount of salary for employees of the internal audit service is determined in the contract concluded with him.

VI. Requirements for conducting an internal audit and compiling a summary report on the results of its conduct

19. Internal audit:
- implementation of the approved business plan;
- compliance with corporate governance principles;

- status of accounting and financial accounts;

- that taxes and duties are correctly calculated and paid;

- compliance with legal documents in the implementation of financial and economic activities;
- status of assets;
- internal control and conducting their monitoring, it is carried out only by the employees of the internal audit service.

Other directions of inspection may be determined by the Supervisory Board of the society in accordance with the legal documents arising from the specialty of the society's activity.

20. Based on the results of the inspections, appropriate reports are drawn up and signed by the employee(s) who conducted it.

In this:
20.1 The report on the results of the business plan implementation check should include the following:

a) the quantity and quality indicators of its implementation are analyzed;
b) a statement of the reasons identified in the event that its execution is not ensured, in which the responsible officials are personally indicated;
20.2 The report on the results of the audit of compliance with the principles of corporate governance should include:
a) Analysis of the effectiveness of the decisions made by the company 's management body, compliance with the legal rights and interests of its shareholders;

b) statement of violations of legal documents in the field of corporate governance (observance of founding documents , holding of general meetings and meetings of the company 's management bodies, correct calculation of dividends and timely payment and h instances);
20.3. The report on the results of the audit of the company 's accounting and financial statements should include :

18.1. Ички аудит хизмати ходимларига иш ҳақи миқдори у билан тузиладиган шартномада белгиланади.

VI. Ички аудит ўтказишга ва уни ўтказиш натижалари бўйича йиғма ҳисобот тузишга қўйиладиган талаблар

19. Ички аудит:
- тасдиқланган бизнес-режа бажарилишини;
- корпоратив бошқариш принципларига риоя қилинишини;
- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатини;
- солиқлар ва йиғимлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини;
- молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилишини;
- активларнинг ҳолатини;
- ички назоратнинг ҳолатини текшириш ва уларнинг мониторингини олиб бориш йўли билан фақат ички аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади.

Жамият Кузатув кенгаши томонидан жамият фаолияти ихтисосидан келиб чиқиб қонун ҳужжатларига мувофиқ текширишни ўтказишнинг бошқа йўналишлари белгиланиши мумкин.
20. Ўтказилган текширишлар натижалари бўйича бевосита уни ўтказган ходим (ходимлар) томонидан имзоланадиган тегишли ҳисоботлар тузилади.

Бунда:
20.1 бизнес-режа бажарилишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:
а) унинг бажарилишининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлили;
б) унинг бажарилиши таъминланмаган тақдирда айбдор мансабдор шахслар шахсан кўрсатилган ҳолда аниқланган сабаблар баёни;
20.2 корпоратив бошқариш принципларига риоя қилишни текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:
а) Жамият бошқарув органи томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг самаралилиги, унинг акциядорларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши таҳлили;
б) корпоратив бошқариш соҳасида қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари баёни (таъсис ҳужжатларига риоя қилиш, умумий йиғилишлар ва жамият бошқарув органлари мажлислари ўтказилиши, дивидендлар тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши ва ҳоказолар);
20.3. жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва молия ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

a) to assess compliance with the established procedure of accounting and financial reporting ;

b) a description of the violation of the specified procedure for keeping the accounting report and preparing the financial report ;
20.4. The report on the results of the verification of the correct calculation and payment of taxes and fees should include:
a) taxes and levies established and submitted to relevant authorities evaluate the correctness of h calculation ;

b) to describe cases of violations of the established order of calculation and payment of taxes and levies, deviations in determining the tax base ;

20.5. The report on the results of the verification of compliance with legal documents by the company in the implementation of financial operations should include the following:

a) to assess the compliance of financial and economic operations carried out by the society with legal documents;
b) to declare the non-compliance of the financial and economic operations carried out by the society with legal documents;
20.6. The report on the results of the internal control audit should include the following :

a) description of the internal control system and existing deficiencies in its operation;
b) information on the state of executive discipline in the structural units of the society , existing deficiencies in the work of its employees .

21. The results of the asset condition check should include the justification of the asset transfer, as well as information on their movement , actual availability and storage .

22. Also, all audit reports should have a final part that includes an assessment of the activities of the executive body of the society and its constituent units, recommendations to eliminate identified deviations and violations of the law, and a complete package of supporting documents.

23 . According to the results of the internal audit A joint report signed by the head of the internal audit service is drawn up.
24 . Summary report:
- analytical part;
- the final part;
- must include a complete package of supporting documents.

а) бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;
б) аниқланган бухгалтерия ҳисоботини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг белгиланган тартиби бузилишининг тавсифи;
20.4. Солиқлар ва йиғимлар тўғри ҳисобланиши ва тўланишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:
а) тузилган ва тегишли органларга тақдим этилган солиқлар ва йиғимлар ҳисоб-китоби тўғрилигини баҳолаш;
б) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартиби бузилиши ҳолатларини, солиқ солинадиган базани белгилашда четга чиқишларни баён қилиш;
20.5. Молия-хўжалик операцияларини амалга оширишда жамият томонидан қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:
а) жамият томонидан амалга оширилган молия-хўжалик операцияларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаш;
б) жамият томонидан амалга оширилган молия-хўжалик операцияларининг қонун ҳужжатларига номувофиқлигини баён қилиш;
20.6. Ички назоратнинг ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:
а) ички назорат тизимини ва унинг фаолият кўрсатишидаги мавжуд камчиликларни баён этиш;
б) жамият таркибий бўлинмаларидаги ижро интизомининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, унинг аниқ ходимлари ишидаги мавжуд камчиликлар.
21. Активларнинг ҳолатини текшириш натижалари активларни хатловдан ўтказишнинг асосланишини ҳамда уларнинг ҳаракати, амалда мавжудлиги ва сақланиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.
22. Шунингдек, ўтказиладиган текширишлар бўйича барча ҳисоботларда жамият ижро этувчи органи ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти баҳоланишини, аниқланган четга чиқишлар ва қонунни бузишларни бартараф этишга доир тавсияларни, тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига оладиган якуний қисм бўлиши керак.
23. Ўтказилган ички аудит якунлари бўйича ички аудит ҳизмати раҳбари томонидан имзоланадиган йиғма ҳисобот тузилади.
24. Йиғма ҳисобот:
- таҳлилий қисмни;
- якуний қисмни;
- тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига олиши керак.

25 . The analytical part of the general report should contain the summarized information about the results of the inspections conducted by the internal audit staff.

26 . The final name of the report:
26.1. general assessment of the activity of the executive body and structural divisions of the company, as well as liquidity ;
26.2. it should include the recommendations of the internal audit service to eliminate identified irregularities and violations of the law, as well as generalized proposals to increase the efficiency of the enterprise's financial and economic activities, and to improve corporate management.

27. The final report must be completed within 10 days after the completion of the internal audit .
28 . All reports must be submitted directly to the supervisory board of the society for its review and subsequent approval. Copies of reports must be submitted to the executive body of the society after approval.

29. The executive body of the company must take measures to eliminate the deficiencies identified as a result of the internal audit.
30 . The internal audit service should monitor the timely and necessary implementation of measures to eliminate violations of the law identified during the audit, as well as to improve the efficiency of the company 's financial and economic activities.

VII. Internal audit service responsibility

31 . Employees of the internal audit service:
31.1. that the results of their own inspections were falsified;
31.2. non - observance of the confidentiality of the information provided to them or made known to them in connection with the performance of their duties, constituting the secret of the enterprise;

31.3. are responsible for ensuring the preservation and return of received documents .

32 . The law identified during the audits of the internal audit service is responsible for evaluating the measures taken to eliminate violations and improve the efficiency of the society 's financial and economic activities.

33 . The supervisory board of the society hears the report of the internal audit service on the results of inspections every quarter , takes measures to eliminate the identified shortcomings and increase the efficiency of the financial and economic activity of the enterprise .

25. Йиғма ҳисоботнинг таҳлилий қисми ички аудит ходимлари томонидан ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни ўз ичига олиши керак.
26. Ҳисоботнинг якуний қисми:
26.1. жамиятнинг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари фаолиятига, шунингдек ликвидлигига умумий баҳони;
26.2. аниқланган четга чиқишлар ва қонунни бузишларни бартараф этиш бўйича ички аудит хизматининг тавсияларини ҳамда корхонанинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга, корпоратив бошқаришни такомиллаштиришга доир умумлаштирилган таклифларни ўз ичига олиши керак.
27. Йиғма ҳисобот ички аудит якунлангандан кейин 10 кун мобайнида тугалланиши зарур.
28. Йиғма ҳисоботлар бевосита жамиятнинг кузатув кенгашига унинг кўриб чиқиши ва кейинчалик тасдиқлаши учун тақдим этилиши керак. Ҳисоботлар нусхалари тасдиқлангандан кейин жамият ижро этувчи органига тақдим этилиши керак.
29. Жамиятнинг ижро этувчи органи ички аудит натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши шарт.
30. Ички аудит хизмати текшириш давомида аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш, шунингдек жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва зарур даражада бажарилиши устидан назорат ўрнатиши керак.

VII. Ички аудит хизматининг жавобгарлиги

31. Ички аудит хизмати ходимлари:
31.1. ўзлари ўтказган текширишлар натижалари бузиб кўрсатилганлиги;
31.2. уларга тақдим этилган ёки улар томонидан хизмат вазифаларининг бажарилиши муносабати билан уларга маълум бўлган корхонанинг сирини ташкил этадиган ахборотнинг маҳфийлигига риоя қилинмаганлиги;
31.3. олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилиши таъминланиши учун жавоб берадилар.
32. Ички аудит хизмати аудиторлик текширишлари давомида аниқланган қонун бузишларни бартараф этиш ва жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирларга баҳо берилиши учун жавоб беради.
33. Жамиятнинг кузатув кенгаши ҳар чоракда ички аудит хизматининг текширишлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботини эшитади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва корхонанинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўради.

VIII. Final rules

34. This Regulation shall enter into force on the date of its approval by the Supervisory Board of the Company.
35. If any provision of these Regulations is invalid, this provision shall not be a reason to suspend the other provisions.
36. If the legal documents of the Republic of Uzbekistan or the charter of the company stipulate different provisions than those stipulated in this Regulation, the current legal documents of the Republic of Uzbekistan and the provisions of the Charter of the Company shall be applied.
37. From the date of approval of this Regulation by the Supervisory Board, the previously approved Regulation "On Internal Audit Service" of "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" JSC shall cease to be valid.

VIII. Якуний қоидалар

34. Мазкур Низом Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кундан кучга киради.
35. Агар мазкур Низомнинг бирон бир қоидаси ўз кучиини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.
36. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатлари ёхуд жамият уставида азкур Низомда назарда тутилгандан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари ва Жамият Устави қоидалари қўлланилади.
37. Ушбу Низом Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кундан бошлаб “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ ниг аввал тасдиқланган “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низоми ўз кучини йўқотади.